

ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНДАН ФЙДАЛАНИШ ТУГРИСИДА ШАРТНОМА

№ 706

Шахрисабз туман

«24» январь 2022 й.

Шахрисабз туман ЭТК _____, (ташкilot, корхона номи) кейинги ўринларда "Таъминотчи" деб юритилади. Ўзининг низомасосида иш юритувчи Хаммолов К (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, бир томондан ва _____ Шахрисабз туман болалар усмирлар футбол мактаби _____ (корхона, ташкilot, муассаса номи), кейинги ўринларда "Истеъмолчи" деб юритилади, Ўзининг _____ низоми асосида иш юритувчи Азизов С (вазифаси, фамилияси, исми) номидан, иккинчи томондан мазкур шартномани қуйидагилар хақида туздилар.

I. ШАРТНОМАНИНГ МОХИЯТИ

- 1.1. Ушбу шартнома буйича "Таъминотчи" "Истеъмолчи"нинг буюртманомасига мувофик уланган тармок оркали электр энергияси етказиб беришни уз зиммасига олади, "Истеъмолчи" эса мазкур шартноманинг 1- иловасида белгиланган кувватдаги электр энергиясини кабул килиб олиш ва илова килинадиган жадвал асосида бюджетда ажратилган маблаглар хисобидан хак тулашни уз зимасига олади.
- 1.2. Бюджет ташкilotининг йил давомида смета харажатларига киритиладиган узгаришлар доирасида хизмат курсатувчи, хизмат олувчилар томонидан узаро келишилган холда шартнома суммасига узгартиришлар киритишга хаклидирлар.
- 1.3. Фойдаланадиган электр энергиясининг йиллик хажми 9999 кВт.с ташкilot килади.

II. ТАРАФЛАРНИНГ ХУКУК ВА МАЖБУРИЯТЛАРИ

2.1. "Истеъмолчи"нинг хукуклари:

- а) "Таъминотчи"дан шартномада курсатилган микдордаги электр энергиясини электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб беришни;
- б) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда саклашни;
- в) электр энергияси истеъмолчининг ойлик шартномавий микдорини чораклик микдор доирасида жорий чорак мобайнида 2 марта (1- ва 2-ойларда улар тугагунгача 10 кундан кечикмай) кайта таксимланишини "Таъминотчи"дан талаб килишга хаклидир.
- г) электр тармоқларининг булиниш чегарасида зарур сифатга мувофик булмаган электр энергияси етказиб берилганда "Истеъмолчи" уз хохишига кура; муддатлар бузилган ёки зарур сифатга мувофик булмаган холда етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни ва хақини тулашни рад этишга
- г) "Таъминотчи"дан шартнома шартларини бажармаслик ёки зарур даражада бажармаслик натижасида етказилган зарарни, бой берилган фойдани копланишини талаб килишга хаклидир.

2.2. "Истеъмолчи"нинг мажбуриятлари:

- а) Хисобга олиш жойи электр тармоқларнинг "Таъминотчи" билан баланс мансублиги буйича булиниш чегарасига утказилсин (истеъмолчининг хисобга олиниши булиниш чегарасида амалга оширилмаган вазиятларда);
- б) электр тармоқлари, асбоб ускуналарининг тегишли техник холатини ва хавфсизлигини таъминлаш;
- в) электр энергиясини истеъмол килишнинг урнатилган тартибига риоя килиш хамда электр энергиясидан фойдаланишда юзага келадиган авариялар, ёнгинлар, электр энергиясини хисобга олиш асбобларидаги носозликлар хақида "Таъминотчи"га хабар бериш;
- г) реактив энергия ишлаб чикарувчи ускуналарнинг иш режимида риоя килиш шартноманинг;
- д) истеъмол килинадиган электр энергиясини хисобга олиш асбоблари ва улардаги тамгаларнинг бутлиги ва сакланишини таъминлаш;
- е) ишлатилган электр энергияси учун туловларни уз вақтида амалга ошириш.

2.3. "Таъминотчи"нинг хукуклари:

- а) "Истеъмолчи"дан етказиб бериладиган электр энергияси учун олдиндан тегишли хакни тулашини ва амалдаги конун хужжатларида белгиланган тартибда узил-кесил хисоб-китобларни амалга оширишни;
- б) шартномага ёки шартнома асосида берилган буюртманомага мувофик етказиб берилган электр энергиясини кабул килишни асосиз рад этиш натижасида етказилган зарарни коплашни "Истеъмолчи"дан талаб килишга хаклидир;
- в) унинг вақили тегишли амал килиш муддати билан шахсий гувоҳномаси мавжуд булганда электр хисоблагичларни куриб текширади;
- г) маънавий жихатдан эскирган электр энергиясини индукцион хисобга олиш приборларини режа асосида Давлат текширувудан утказмайди хамда УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 512-сонли Карорига мувофик уларни замонавий электрон хисоблагичларга алмаштирилишини талаб килади.

2.4. Таъминотчининг мажбуриятлари:

- а) конун хужжатларига мувофик ушбу шартнома мажбуриятларини уз муддатда бажарилишини таъминлаш;
- б) «Истеъмолчи»га шартномада курсатижан микдордаги электр энергиясининг электр тармоқларининг булиниш чегарасига етказиб бериш;
- в) электр тармоқларининг баланс буйича тегишлилик чегарасида электр энергиясининг сифат курсаткичларини

шартнома ва стандартларда белгиланган микдорда сақлаш;
 г) электр энергиясининг "Истеъмолчи"га узлуксиз ("Электр ускуналарининг курилма коидалари" 1.2.17-банди асосида) етказиб берилишини таъминлаш;
 д) электр тармоқларини режали таъмирлашда электр энергияси билан таъминлашдаги мумкин булган узлишлар тугрисида "Истеъмолчи"ни камида 3 сутка олдин огоҳлантириш;
 е) электр энергиясидан асоссиз узишга йул куймаслик ва "Истеъмолчи"га электр энергияси беришнинг режадан ташқари тухтатилиши сабабларини хабар қилиш;
 ж) "Истеъмолчи"га электр хисоблагичларининг амалдаги норматив хужжатлар талабларига мувофик алмаштириш муддатларини хабар қилиш;
 ж) жорий этиладиган чеклашлар хақида чеклашнинг жорий этилиш хажми ва вақтини курсатган холда 0,5 кун олдин хабар қилиш;
 з) энергия тарифи узгарганда урнатилган тартибда "Истеъмолчи"га билдириш.
 и) "Электр энергиясидан фойдаланиш коидалари"га (УзР Вазирлар Махкамасининг 2005 йил 27 январдаги 32-сонли Карорига 1-илова), электр энергияси истеъмолчилари ва энергия таъминоти ташкилотлари уртасида хисоб-китоблар тартиби тугрисида Низомга (УзР Вазирлар Махкамасининг 2004 йил 1 ноябрдаги 511-сонли Карорига 2-илова) риоя қилинсин.

III. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИНИ НАРХИ ВА ХИСОБ-КИТОБЛАР ТАРТИБИ

3.1. Шартноманинг тузилган вақтдаги умумий йиллик бахоси 4499550
 (Тўрт миллион тўрт юз тўқсон тўққиз миң беш юз элик) сумни ташкил этади.

2022 йил жами	1-чорак			2-чорак			3-чорак			4-чорак		
	Январ	Феврал	Март	Апрел	Май	Июн	Июл	Август	Сентябр	Октябр	Ноябр	Декабр
бюджет	1499850	1499850	1499850									

Электр энергияси тарифи бир ставкали, икки ставкали, табакалаштирилган ставкада белгиланади. (зарур булмагани учирлади)

Шартнома буйича етказиб бериладиган электр энергиясининг тарифлари берилади.

3.2. Навбатдаги ой учун етказиб бериш назарда тутилган ресурслар хажмининг камида 50 фоиздан кам булмаган микдорида олдиндан 28 санасигача ҳақ аванс тарикасида туланади, истеъмол қилинган электр энергияси учун қолган сумма 30 кун мобайнида тулик тулаб берилади.

3.3. Етказиб берилган электр энергияси учун тулов пул утказиш йули билан хисоб-китоб қилинади. I (хисоб-китоб қилиш шакли курсатлади)

3.4. "Истеъмолчи"нинг айби билан шартномада курсатилган хажмларга нисбатан электр энергияси кам истеъмол қилинганда туланган аванс маблаглари қайтарилмайди, балки истеъмол қилинган электр энергияси учун кейинги хисоб-китобларда хисобга олинади.

3.5. "Истеъмолчи" хар ойда булиниш чегараларида урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичларини ёзиб олади. Ушбу курсаткичлар асосида ўлчов трансформаторлари коэффициентларини хисобга олган холда истеъмол микдори ва фойдаланилган электр энергияси учун тулов суммаси аниқланади.

Белгиланган шаклдаги хисобот "Таъминотчи"га 28-санасига муддатда юборилади.

3.6. Хисоб-китоб электр хисоблагичи бўлиниш чегарасида ўрнатилмаган тақдирда электр тармогининг баланс бўйича тегишлилик чегарасидан электр хисоблагич ўрнатилган жойгача электр энергияси йўқотилиши микдори "Истеъмолчи" билан биргаликда хисоб-китоб йўли билан аниқланади ва тулов учун "Истеъмолчи"га берилган фойдали электр энергияси билан жамланади.

3.7. Такдим этилган белгиланган шаклдаги хисоботга асосан "Таъминотчи" "Истеъмолчи"га хисоб-фактура ёзиб беради. Хар хил тариф гуруҳига таалукли бир неча объектларга эга истеъмолчилар билан хисоб-китоблар хар бир тариф гуруҳига урнатилган хисобга олиш приборлари курсаткичлари буйича амалга оширилади, лекин шунинг билан бирга хар бир объект бўйича билиб кўрсатилган битта хисоб-фактура ёзиб берилади.

Кисман (тулик хажмда эмас) ҳақ туланганда, "Истеъмолчи" тулов хужжатида қайси тариф гуруҳлари буйича тулов биринчи навбатда амалга оширилаётганини курсатиши керак. Акс холда, "Таъминотчи" тариф гуруҳлари буйича қарздорлиқни бартараф этиш навбатини мустақил белгилаш ҳуқуқига эга.

Электр энергияси истеъмоли хақида хисобот такдим этилмаганда, электр таъминоти ташкилоти шартномавий электр истеъмоли хажми буйича хисоб-китоб ойига кейинчалик амалда истеъмол шилинган электр энергияси буйича қайта хисоб-китоб қилган холда хисоб-китобни амалга оширади.

Ортиқча туланган маблаглар қайтарилмасдан аванс тулови тарикасида хисобга олинади.

3.8. "Истеъмолчи" томонидан тегишли ойга етказиб берилиши кузда тутилган электр энергияси хажми қийматининг 50 фоиздан кам (олдиндан тулов микдори курсатилсин, лекин 50 фоиздан кам булмасин) булмаган микдорида олдиндан тулов амалга оширилганда электр энергияси хар ойда етказиб берилади.

Яқуний хисоб-китоб эса 30 кун давомида (яқуний хисоб-китоб муддати курсатилсин, лекин 30 кундан ортмасин) амалга оширилади. "Истеъмолчи" да электр энергияси учун 90 кундан ортиқ (муддати юқорида курсатилган) муддати утган қарздорлиги мавжуд булганда, аванс тулови тарикасида туланган маблаглар муддати утган қарздорлиқни бартараф этишга йўналтирилади ва аванс тулови тарикасида хисобга олинмайди.

“Истеъмолчи” бир неча тариф гурухига эга булса, у олдиндан тулов хужжатида тариф гурухи буйича электр энергияси суммаси ва ёки микдорини курсатиши керак. Акс холда, “Таъминотчи” тариф гурухлари буйича карздорликни бартараф этиш навбатини мустакил белгилаш ҳукукига эга.

3.9. Узил-кесил ҳисоб китоб кўрсатилган муддатларда амалга оширилмаган такдирда “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га электр энергия беришни тўхтатади (шартноманинг 5.5 бандида кўрсатилган “Истеъмолчи”лар бундан мустасно). Бир вақтнинг ўзида, “Таъминотчи” электр энергияси етказиб бериш далолатномаси асосида амалга оширилган тўловлар суммасини чиқариб ташлаган холда хизмат кўрсатувчи банк оркали ҳисобот ойда етказиб берилган электр энергияси суммасига акцепт билан тўлов талабномаси беради.

IV. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА УНИ КАБУЛ КИЛИБ ОЛИШ ТАРТИБИ

4.1. Шартномада курсатилган мажбуриятлар шартнома шартлари ва конун ҳужжатлари талабларига мувофиқ тарзда бажарилиши керак. Агар томонлар уз зиммаларига олган барча мажбуриятлар бажарилишини таъминласа, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

4.2. Электр энергиясини етказиб бериш шартномада ёки шартнома асосида берилган буюртманомада курсатилган муддатлар ва ҳажмларда мазкур шартномада курсатилган давр мобайнида амалга оширилади. “Таъминотчи” буюртманомаларни руйхатдан утказиш дафтарини юритади.

4.3. “Истеъмолчи” илгари берилган буюртманомани бекор қилишга ёки ундаги электр энергиясини етказиб бериш микдори ва санасини узгартиришга ҳақлидир, бу ҳақда “Таъминотчи”ни буюртманомада курсатилган сана бошланишидан жорий ой тамом булишигача камида 10 кун олдин хабардор қилади.

V. ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ БЕРИШНИ ТУХТАТИШ ВА УЗИБ КУЙИШ ТАРТИБИ

5.1. Электр энергияси беришдаги узилишларга, электр энергиясини беришни тухтатиш ёки чеклашга томонлар келишувига мувофиқ йул қуйилади.

5.2. “Истеъмолчи” билан келишмасдан ва уни огохлантирмасдан, бироқ унта дархол хабар берган холда электр энергияси беришни вақтинча узиб қуйиш, тухтатиш ёки чеклашга “Таъминотчи” тизимида авариянинг оддини олиш ёки уни тугатиш учун кечиктириб булмайдиган чораларни куриш зарур булган ҳолларда йул қуйилади.

5.3. Электр энергияси истеъмолининг белгиланган режими бузилганда; шартномада назарда тутилган электр энергияси ҳажми кийматининг камида 50 фоизини олдиндан туламаганда; ҳисоб-китоб ойи тамом булгандан кейин 30 кун мобайнида истеъмол қилинган электр энергияси учун туланмаган қарзи мавжуд булганда;

“Истеъмолчи” электр энергияси тармоғига узбошимчалик билан уланганда ёки қувват шартномада келишилган микдордан оширилганда;

“Узстандарт” агентлиги органлари томонидан текширилган истеъмол қилинадиган энергияни ҳисобга олиш приборларига эга булмаганда;

“Таъминотчи”нинг вакили соат 8.00 дан 20.00 гача булган давр мобайнида ҳисоблаш приборларини куришга асоссиз қуйилмаганда, “Таъминотчи” электр энергияси беришни тухтатиб қуйиш ҳукукига эга булади.

5.4. “Истеъмолчи”дан ҳисобга олиш прибори булмаганда ҳисобга олиш прибори “Истеъмолчи”нинг айби билан шикастланганда;

ҳисобга олиш приборларини ишга тушириш схемаси узгарганда ёки ҳисоблагичдан ташқари нағрузка уланганда; фойдаланилган электр энергияси учун ҳақ белгиланган муддатларда туланмаганда “Истеъмолчи” 1 кун олдин огохлантрилиб электр энергияси тармоғидан узиб қуйилади;

5.5. Электр энергиясини узиб қуйиш техноген ва авария оқибатларига олиб келиши мумкин булган, алоҳида ҳавф ва узлуксиз технология жараёнга эга булган (Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 1-ноябрдаги Электр энергиясидан фойдаланганлик учун ҳисоб-китоб қилиш механизмини тубдан такомиллаштириш чора тадбирлари тугрисида” ги 511-сон Қарор низомининг 1-илбвасидаги руйхатга киритилган) истеъмолчиларнинг гулов муддати утган қарзлари вужудга келган такдирда ҳақи туланмаганлиги учун электр энергияси берилишини чеклаш, белгиланган тартибда энергия билан таъминлашнинг технологик ва аварияли бронгача, тулик узиб қуйиш эса факат суд қарорига қура амалга оширилиши мумкин. “Таъминотчи” ва “Истеъмолчи” томонидан имзоланган технологик ва аварияли брони далолатномалари шартноманинг узвий қисми ҳисобланади.

VI. ТОМОНЛАРНИНГ МУЛКИЙ ЖАВОБГАРЛИГИ

6.1. Электр энергияси етказиб бериш муддатлари кечиктириб юборилган, 5 фоиздан қуп микдорда электр энергияси етказиб берилмаган ҳолларда “Таъминотчи” “Истеъмолчи”га муддати утказиб юборилган ҳар бир кун учун мажбуриятлар бажарилмаган қисмининг 0,5 фоизи микдорда пеня тулайди, бироқ пенянинг умумий суммаси етказиб берилмаган электр энергияси қийматининг 50 фоиздан ортик булмаслиги керак. Пеня туланиши “Таъминотчи”ни шартноманинг зарур даражада бажарилишидан ва электр энергияси етказиб бериш кечиктирилганлиги ёки тулик етказиб берилмаганлиги туфайли етказилган зарарларни қоплашдан озод қилмайди.

6.2. Етказиб берилган электр энергияси ҳақини уз вақтида туламагани учун “Истеъмолчи” “Таъминотчи”га утказиб юборилган ҳар бир кун учун тулов суммасининг 0,4 фоизи (маҳсус тартибга қура электр энергияси бериладиган қорхоналар учун 0.2 фоиз) микдорда, аммо кечиктирилган тулов суммасининг 50 фоиздан ортик булмаган микдорда пеня тулайди.

6.3. “Истеъмолчи”нинг таклифига қура мулжалланаётган узгартиришларгача 10 кундан қеч булмаган муддатда киритилган электр энергиясининг шартномадаги ҳажмларининг узгартирилиши электр энергиясини қам олиш ёки ортикча олиш деб ҳисобланмайди.

6.4. Ушбу шартномада назарда тутилмаган жавобгарлик ва бошқа масалалар Ўзбекистон Республикасининг амалдаги конун ҳужжатлари билан тартибга солинади.

VII. НИЗОЛАРНИ ХАЛ КИЛИШ ТАРТИБИ

7.1. Келишмовчиликлар ва низоли масалалар келиб чиккан тақдирда томонлар, қоидага қура уларни судгача хал этиш юзасидан тегишли чораларни қурадилар.
Томонлар келишмовчиликлар ва низоларни хал этиш учун бевосита судга муурожаат қилишга ҳам ҳақлидир.
7.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишга ёки шартнома шартларини бир томонлама узгартиришга йул қуйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

VIII. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИКДАН ОЗОД ЭТИШ

8.1. Томонлардан бири шартномани енгиб булмайдиган қуч, яъни фавқулодда ва муайян шароитларда олдини олиб булмайдиган вазиятлар (зилзила, сув тошқини, ва бошқа табиий офатлар) (форс-мажор) туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлигини исботласа, жавобгар булмайди.

IX. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ КИЛИШИ

9.1. Шартноманинг амал қилиш муддати 2022 йил «24» январь дан 2022 «31» декабрь гача.
9.2. Мазкур шартномага узгартиришлар (қушимчалар) томонлар имзолаган пайтдан кейин бажарилиши керак.
9.3. Мазкур шартномага ҳар қандай узгартириш ва қушимчалар улар ёзма шаклда содир этилиши ва томонларнинг бунга зарур даражада вакил қилинган вакиллари томонидан имзоланиши шарт билан ҳақиқий ҳисобланади.
9.4. Тарафлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.
9.5. Томонлар ўртасидаги муносабатлар улар томонидан мазкур шартноманинг барча шартлари бажарилган тақдирда тўхтатилади.

X. ЯКУНИЙ ҚОИДАЛАР

10.1. Мазкур шартнома томонларнинг қилишувига қура ёки бошқа томон шартнома шартларини жиддий равишда бузган тақдирда, томонлардан бирининг талаби буйича суд тартибида бекор қилиниши мумкин.
10.2. Мазкур шартнома икки нусхада тузилиб, томонларнинг ҳар бирига бир нусхадан қолдирилади. Шартноманинг ҳар иккала нусхалари тенг юридик қучга эга.

XI. Томонларнинг юридик манзили ва реквизитлари:

«Таъминотчи»
Шахрисабз ТЭТК

(таъминотчининг номи)

Манзил: Шахрисабз туман Ипак йўли кўча 102 уй

Тел/факс 522-79-55

Х/В 22636000200177786513

Банк номи Қарши Саноат қурилиш банк мин.фил
МФО 00854

ИНН 200666494

ОКОНХ 11170

Раҳбар



М.Ў

«Истеъмолчи»

Шахрисабз туман болалар усмирлар футбол
мактаби

(бюджетдан маблағ олувчининг номи)

Манзил: Шахрисабз шаҳар Ипак йўли кўча № 122 уй

Тел./факс 522-55-24

ш/х* 1000228601024570836102170001

бюджет маблағ олув ИНН 206 944 421 ОКОНХ 85510

Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Газначилиги

Газна Х/В 23402000300100001010

Банк номи Марказий банк Тошкент шаҳар бош

Бошқармаси ҳисоб-китоб қаса маркази

МФО 00014 Газначилик ИНН 201122919

Раҳбар

Имзо



(Ф.И.Ш)

М.У

Ушбу 2022 йил «24» январь даги №706 сонли Шахрисабз ТЭТК
билан Шахрисабз туман Ипак йўли кўча 102 уй уртасида тузилган шартнома Ўзбекистон Республикасининг
1998 йил 29 августдаги Ўзбекистон Республикасининг «Хужалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси
туғрисида»ги Қонун талабларига мос келади

Ҳуқуқшунос

М.



И.Р. Астанинов
(Ф.И.Ш)

2022 йил « 24 » январь даги
 № 706 сонли шартномага 1-сонли
 Илова

Шахрисабз туман электр тармоклари корхонаси томонидан 2022 йил давомида
 етказиб бериладиган электр энергияси куввати

Ойлар	Улчов бирлиги	Микдори (КВТ)	Нархи	Суммаси
Январ	КВТ	3333	450	1499850
Феврал	КВТ	3333	450	1499850
Март	КВТ	3333	450	1499850
1-чорак жами	КВТ	9999		4.499550
Апрел	КВТ			
Май	КВТ			
Июн	КВТ			
2-чорак жами	КВТ			
Июл	КВТ			
Август	КВТ			
Сентябр	КВТ			
3-чорак жами	КВТ			
Октябрь	КВТ			
Ноябр	КВТ			
Декабр	КВТ			
4-чорак жами	КВТ			
Хаммаси 2022 йил	КВТ			

Шахрисабз туман электр тармоклари
 бошқаруви



Шахрисабз туман болалар
 ўсмирлар футбол мактаби

